# Воҳиджон Мамажонов Ўзбекистон тумани мактабгача ва мактаб таълими бўлими бошлиғи этиб тайинланди

Мамажонов Воҳиджон Махмудович Ўзбекистон тумани мактабгача ва мактаб таълими бўлими бошлиғи лавозимига тайинланди. Бу тўғрисида Республика мактабгача ва мактаб таълими вазирининг тегишли буйруғи қабул қилинди.

Воҳиджон Мамажонов 1990 йилда Ўзбекистон туманида туғилган. Наманган давлат университетини тамомлаган.

Меҳнат фаолиятини 2017 йилда туман мактабгача таълим бўлими мудири ўринбосари вазифасида бошлаган. 2021-2022 йиллар давомида туман ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари сифатида фаолият кўрсатган.

2022 йилдан тайинловга қадар Ўзбекистон тумани мактабгача таълим бўлими мудири лавозимида ишлаб келаётганди.

2023-04-08 09:11:50